

Самарқанд вилоятининг “Кексаларни эъзозлаш йили” ҳудудий Дастурини амалга ошириш бўйича масъуллар РЎЙХАТИ

Дастур бўлимлари	Дастур бандлари ижросини ташкиллаштириш ва назорат қилиш бўйича масъуллар	Ижросини таъминлаш бўйича ҳамижрочи бошқармалар, ташкилотлар ва муассасалар
I БЎЛИМ		
<p>Кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш вазътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуғ инсонларга давлат хизматлари, шу жумладан турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматлари кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш.</p>	<p>А.Тошбеков – вилоят ҳокимлиги юристи</p> <p>Х.Маматов – вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи</p>	<p>Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Иқтисодиёт Бош бошқармалари, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Божхона, Молия, Адлия, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вилоят бошқармалари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари</p>
II БЎЛИМ		
<p>Кексалар, авваламбор, фашизм устидан қозонилган Ғалаба ва Ватанимизни қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхатини кенгайтириш, уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш учун маҳаллалар, “Нуроний” жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш миқёсини ошириш.</p>	<p>Д.Мусинов– вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантриш масалалари бўйича ўринбосари котибият мудир</p> <p>А.Шарапов – вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи</p>	<p>Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармалари, вилоят Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Божхона, Молия, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Архив иши, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари бошқармалари, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси, Самарқанд Почтаси ОАЖ, Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, Алоқа ва ахборотлаштириш, , Ногиронлар жамияти, “Самарқандтелеком” АЖ, олий ўқув юртлари, ФЖШМҚМИ вилоят бўлими, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари</p>

Дастур бўлимлари	Дастур бандлари ижросини ташкиллаштириш ва назорат қилиш бўйича масъуллар	Ижросини таъминлаш бўйича ҳамижрочи бошқармалар, ташкилотлар ва муассасалар
III БЎЛИМ		
<p>Фахрийлар ва ёши улуғ инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, кўриш ва эшитиш органлари, таянч-ҳаракат тизими ва юрак-қон томир касалликларини даволашнинг замонавий усуллари билан камраб олиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан, жумладан, имтиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санаторий - соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий - техник базасини янада мустаҳкамлаш.</p>	<p>Б.Игамбердиев – вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи</p> <p>А.Каримов – вилоят Молия бошқармаси бошлиғи</p>	<p>Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Марказий банк Бош бошқармалари, вилоят Молия, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Архив иши, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари бошқармалари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси, Самарқанд Почтаси ОАЖ, Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, Ногиронлар жамияти, олий ўқув юртлари, ФЖШМҚМИ вилоят бўлими, оммавий ахборот воситалари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари</p>
IV БЎЛИМ		
<p>Мамлакатимизнинг муҳофаа қобилияти, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, жамиятимизда тинчлик, тотувлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшган, соғлом ва баркамол униб-ўсаётган авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётган кекса авлод вакилларига муносиб эътибор қаратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни тизимли асосда амалга ошириш, оила ва жамиятда ёши улуғ инсонларнинг ўрни ва обрўсини ошириш, болалар ва ёшларни ота-оналарни, ҳар бир нуронийни чуқур ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш туйғуси руҳида тарбиялаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>Ш.Юлдошев – “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси</p> <p>З.Жураев – Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи</p>	<p>Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармалари, вилоят Молия, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Архив иши, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари бошқармалари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Самарқанд Почтаси ОАЖ, Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари</p>

Дастур бўлимлари	Дастур бандлари ижросини ташкиллаштириш ва назорат қилиш бўйича масъуллар	Ижросини таъминлаш бўйича ҳамижрочи бошқармалар, ташкилотлар ва муассасалар
V БЎЛИМ		
<p>Ҳар бир кексага ҳар томонлама эътибор қаратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини кучайтириш ва ошириш, кексаларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бунда улар учун туман ва маҳаллаларда мулоқот марказлари, қизиқиши бўйича клублар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш, телевидение, оммавий ахборот воситалари, кинотеатрлар, театр ва бошқа маданий-маърифий муассасаларда ёши улуғ инсонларнинг қизиқишларига мос мавзуда янги махсус кўрсатувлар, спектакль ва фильмлар яратиш ҳажмини кўпайтириш.</p>	<p>К.Мизамов – вилоят ҳокимлигининг Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи</p> <p>Ф.Тўраев – Самарқанд телерадиокомпанияси раиси</p>	<p>Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармалари, вилоят Молия, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари бошқармалари, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, Ўзбекино МА, Ўзбекнаво ИУ, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари</p>
VI БЎЛИМ		
<p>Маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ташкилий тузилмасида кексалар ва ногиронларга доимий эътибор қаратадиган секторни мустаҳкамлаш, бунда уларга хизмат кўрсатадиган идора ва хизматлар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий ва тиббий таъминот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни назарда тутиш.</p>	<p>Ф.Хидиров– Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вилоят Кенгаши раиси</p> <p>Ҳ.Нормуродов - “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси</p>	<p>“Ўзбектуризм” МК вилоят бўлими, Хотинқизлар кўмитаси, “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Касаба уюшмалари ташкилотлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, оммавий ахборот воситалари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари</p>